

УДК: 635.6:635.4.634.9

## ҒҮЗА БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ПАРВАРИШЛАНГАН СОЯ ЭКИННИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

**Шадманов Ж.Қ.**

қ.х.ф.н; к.и.х-Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари  
илмий тадқиқот институти

**Бекмуродов Х.Т.**

қ.х.ф.ф.н; к.и.х-Ингичка толали пахтацилилк илмий тадқиқот институти  
E-mail: [xumoyiddin.bekmurodov@mail.ru](mailto:xumoyiddin.bekmurodov@mail.ru)

**Очилдиев Н.Н.**

к.и.х-Ингичка толали пахтацилилк илмий тадқиқот институти

**Хайтов Э.А**

к.и.х-Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий  
тадқиқот институти

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзага ҳамкор экин сифатида соя экини экилганда соя экинининг ўсиши ва ривожланиши бўйича мълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** суғориладиган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари, ғўзага ҳамкор экин сифатида экилган соя экини, суғориш тартиблари, соя дон ҳосилдорлиги.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены сведения о росте и развитии сои при посеве сои в качестве совместной культуры с хлопчатником на светло-сероземных почвах Сырдарьинской области, находящихся под выпасом.

**Ключевые слова:** орошаляемые пастбищные светло-серые почвы, соя в промежуточном посеве с хлопчатником, режимы орошения, урожайность зерна сои.

## ABSTRACT

This article presents information about the growth and development of soybeans when soybeans are sown as a joint crop with cotton on light gray soils of the Syrdarya region, which are under grazing.

**Key words:** irrigated pasture light gray soils, soybeans in intermediate crops with cotton, irrigation regimes, soybean grain yield.

## КИРИШ

Дунё бўйича 1964,4 миллион гектар ер майдонлари деградацияга учраган бўлиб, шундан 55,7 фоизи сув эрозияси натижасида содир бўлади. Деградацияга учраган майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатлари ерлари хиссасига тўғри келади. Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 6-7 миллион гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишдан чиқиб кетмоқда. Ер ва сув ресурсларининг кучайиб бораётган деградацияси бутун жаҳоннинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасига салбий таҳдид қилмоқда. Мазкур вазият 2050 йилга бориб 9 миллиард кишини ташкил этиши кутилаётган бутун жаҳон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини чегаралаб қўйиш эҳтимоли борлиги айтилмоқда.

Дунё мамлакатларида эрозия жараёнини келтириб чиқарувчи омиллар, эрозияга чалиниши бўйича классификация ишлаб чиқилиб, хариталаштирилган, ушбу майдонларда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш усуллари ва турлари, тупроқ зарраларини ювилишини камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил этиштириш агротехнологияларни ишлаб чиқилиб жорий этилган бўлсада, ер, сув, ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саъноатни ҳом-ашё билан, чорвочиликни тўйимли озиқа билан таъминлаш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзага ҳамкор сифатида соя ўсимлигини қўшиб экиб парваришлаб ҳамда уч хил суғориш тартибида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 75-75-60 фоизларда олиб борилиб тажрибалар 4 та вариантдан иборат бўлиб назозат варианти сифатида ғўзанинг ўзи экилиб ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш тизимида олиб борилди ғўзага ҳамкор сифатида соя қўшиб экилган варинтлар эса уч хил суғориш тартибида олиб борилди ҳамда суғориш тартибларининг ғўзага ҳамкор экин сифатида соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ўрганилди.

## **МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ**

Республикамизда хозирги кунда ерларни эрозияга чалиниши бўйича классификация ишлаб чиқилган бўлиб, харитаси ҳам тузилган, ирригация эрозиясини олдини олиш ва қарши кураш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, алмашлаб экиш тизимлари, суғориш усуллари, табақалаб ўғитлаш (В.Б.Гуссак, Қ.М.Мирзажонов, Ҳ.М.Махсудов, Ш.Н.Нурматов, Л.А.Гафурова, К.М.Мўминов, Г.Н.Абдалова, А.М.Деҳқонов ва бошқалар), турли тупроқ иқлим шароитларида ғўза навларини кўчат қалинликларини жойлаштириш, уларни ўғитлаш меъёрлари (М.В.Мухаммеджонов, А.Э.Авлиёқулов, Ф.М.Сатипов, Н.Ўразматов,

А.А.Автономов, М.М.Хасанов, А.Б.Колдаев, О.М.Сулаймонов ва бошқалар), ғўза билан бирга ҳамкор экинлар етиштириш (Қ.М.Мирзажонов, И.Э.Рўзиев ва бошқалар), кузги буғдойни экиш муддатлари, суғориш ва ўғитлаш меъёрлари (Б.М.Халиков, Н.Х.Халилов, Т.Х.Хожакулов, Р.И.Сиддиқов, Н.М.Ибрагимов, С.О.Абдурахмонов, Б.М.Холмирзаев, З.К.Мўминова ва бошқалар), такрорий экинлар етиштириш (Б.М.Халиков, Р.Ш.Тилляев, Ф.Б.Номозов, А.А.Иминов, А.Х.Рахимов ва бошқалар) каби илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ ирригация эрозиясига учраган ерларда ювилиш жараёнларини кескин камайтириш, ирригация эрозиясига учраган турли тупроқлар шароитида ғўза билан ҳамкор экинлар етиштириш, тупроққа ишлов бериш, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларини кузги буғдойни дон ҳосилига таъсири ва такрорий экинларни суғориш усуслари ва озиқлантириш меъёрлари, ерларни киялик даражасига боғлиқ холда ғўза навларини кўчат қалинликларини мақбул жойлаштириш, ер, сув ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, зироатлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг мажмуий технологияларини ишлаб чиқиши борасида илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ МАҶСАДИ**

Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, унумдорлиги паст шўрланишга мойил тупроқлари шароитида, бир пайтда икки хил экиб, бир хил агротехника асосида ҳосил етиштириб, ер, сув, ўғит ва бошқа манбааларидан самарали фойдаланиб, юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда ҳамкор экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

## **ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ**

Ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқни агрофизиковий ва агрокимёвий ҳоссалари, шунингдек, ғўза ва ҳамкор экинларни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликка таъсирини аниқлаш.

## ТАДҚИҚОТ УСЛУБИ

Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатишлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услуглари» ва «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услугбий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услугига аосан MicrosoftExcel дастури асосида математик статистик таҳлил қилинган, “Методические указания по определению качества растительной продукции” ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ғўзага ҳамкор экин сифатида экилган сояning ўсиши ва ривожланиши бўйича олиб борилган кузатувлар натижасидан маълум бўлди, сояда биринчи суғориш ўтказилганга қадар варианtlар орасида деярли катта тафовут кузатилмади. 1-август холатига ўтказилган биометрик ўлчовлар натижасига назар солсак, мавсум давомида бир марта ҳам суғорилмаган, яни ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60 % тартибидаги вариантимизда унинг бўйи 71,2 см бўлган бўлса, мавсум давомида бир марта суғорилган, яни 70-70-60 % тартибда суғорилган вариантимизда 74,5 см ни ташкил этди. ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-60 % тартибида, яни мавсум давомида икки марта суғорилган вариантимизда сояning бўйи 75,8 см ни ташкил этди. Сояning бўйи кўрсаткичларида фарқ 3,3-4,6 см оралиғида бўлди. Шунингдек, бу кўрсатгичлар ҳосил шохлари ва дуккаклар сонида хам борлиги кузатилди, яни 3- вариантимизда ҳосил шохи 8,0 дона, дуккаклар сони эса 7,7 дона бўлганлиги аниқланди. 70-70-60 % суғориш тартибидаги вариантни кузатганимда, ҳосил шохи 8,5 дона, дуккаклар сони 8,2 дона бўлганлиги аниқланди. 7- вариантимизда эса 3-ва 5- вариантларга нисбатан уларнинг сони кўпроқ бўлганлиги аниқланди. 1 – сентябр холатига сояни суғорилмаган 3- вариантда унинг бўйи 94,1 см ни, ҳосил шохлари эса 13,0 дона, дуккаклар сони

21,2 дона бўлганлиги кузатилди. ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 70-70-65 % ва 75-75-60 % тартибидаги, яъни 5-ва 7- вариантларда бу кўрсаткичлар аниқланганда 5- вариантда соянинг бўйи 98,7 см, ҳосил шохи 14,6 дона, дуккаклари сони эса 23,0 дона бўлган бўлса, 7- вариантда соянинг бўйи 102,3 см, ҳосил шохи 15,0 дона, дуккаклар сони эса 23,7 донани ташкил этиб, 3- ва 5- вариантларга нисбатан дуккаклар сони тегишлича 2,6 ва 0,7 донага ортиқ бўлганлиги аниқланди. Мавсум охирида бир дона дуккакдаги дон сони ва 1000 дона дон вазнини вариантлар орасидаги фарқини ўрганганимизда, ЧДНСга нисбатан суғориш олди намлиги 65-65-60 % тартибидаги, яъни 3-вариантимизда бир дона дуккакдаги дон сони 3,7 донани, 1000 дона дон вазни эса 131,8 грни ташкил қилган бўлса, аксинча мавсум давомида бир марта сугорилган, яъни 70-70-60 % суғориш тартибидаги вариантимизда 1 дона дуккакдаги дон сони 0,2 донага, 1000 дона дон вазни эса 1,4 грга ортиқ бўлганлиги кузатилди. Лекин ЧДНСга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-60 % тартибидаги вариантимизда мавсум давомида бир марта сугорилган, яъни 5-вариантимизга нисбатан камроқ бўлганлиги кузатилиб, бунда бир дона дуккакдаги дон сони 0,1 донага, 1000 дона дон вазни эса 2,8 грга кўп бўлганлиги, яъни 3-вариантимизга ёки 65-65-60 % суғориш тартибидаги вариантимизга нисбатан бир дона дуккакдаги дон сони 0,3 донага, 1000 дона дон вазни 4,2 грга ортиқ бўлганлиги аниқланди.

## **ХУЛОСА**

Сирдарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ғўза ва хамкор экинларни етиштириш, ер, сув, маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш мақсадида:

-ғўза ва хамкор экин сифатида соя экишда гектарига азот-200, фосфор-140 ва калий-100 кг/га меъёрда қўллаш;

-ғўза ва хамкор экин сифатида соя экнини экилганда суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75-75-60 % тартибда вегетация даврида 0-2-0 тизимда суғориш;

-тўза ва ҳамкор экин сифатида соя ўсимлигини парваришилашда соя 80,0 ва 85,0 минг туп/га қолдириб парвариш қилиш тавсия этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июндаги ПФ-6024-сонли фармони “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон овози газетаси, 2020 йил, 983-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-58532-сонли фармони “Кишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон овози газетаси, 2019 йил, 1213-сон.
3. Methods of agrochemical, agrophysical and microbiological studies in irrigated lands. Tashkent. USSRCRI, 1963. P. 439.
4. Methods of agro chemical analysis of soil and plants. Tashkent 1977.
5. Mehtods of conducting field experiments. Tashkent, 2007. P. 148.
6. Cotton reference book. Tashkent. Mehnat press. 1989. P. 249-252.
7. Rijov S.N. “Optimum soil moisture in cotton culture” // Soviet cotton, 1940. № 6.
8. Kovda V.A. “Fundamentals of the doctrine of soils” // Publishing Nauka, - No. 2. Moscow, 1973. - p. 29-47.